O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

*Қонун – ҳам қилич, ҳам қалқондир!*

# ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ–ОММАБОП ҲАФТАЛИК ГАЗЕТАСИ

1996 йил 30 январдан чиқа бошлаган | 2000 йил 12 декабр, сешанба | № 50(202) | Сотувда эркин нархда

Ўзбекистон Президенти Ислом КАРИМОВ XXI асрнинг биринчи йилини мамлакатимизда Оналар ва болалар йили деб эълон қилди.

*Хоразм томонларда*

## ЮРТ ТОТУВЛИГИ МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНАДИ

***Жаҳд қилиб ишлаганга иш ҳамиша бисёр. Шу жумладан “Меҳр-шафқат ва саломатлик” жамғармаси фаолларига ҳам. Ташкилот фаолиятининг қонунларимиз, Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорларига дахлдор жиҳатлари анчагина. Жамғарма гарчи нодавлат ташкилот ҳисобланса-да, давлат ва жамият аҳамиятига молик муҳим юмушлар билан шуғулланади.***

- Воҳада аҳолининг мададга муҳтож қатламлари ва экологик номутаносибликлардан азият чекаётганларни ижтимоий муҳофазалаш фаолиятимиз мезонини ташкил этса, ана шу масалаларга доир қонунлар, фармонлар, қарорлар тарғиботи ва ташвиқотини уюштириш, аҳоли ўртасида жонли мулоқотлар ўтказиш ва шу йўл билан кўзланган режалар рўёбини таъминлаш зиммамиздаги энг муҳим вазифалардан бирига айланди, - деди биз билан суҳбатда мазкур жамғарманинг Хоразм вилоят бўлими раҳбари Ленинза опа Асқарова.

Чиндан ҳам шундай. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва тиббий ёрдамни ташкил этишга қарата чиқарилган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг мазмун ва моҳиятини омма онгига етказиш жамғарма фаолиятида асосий ўринни эгалаяпти. Маҳаллий ҳокимият маҳкамалари билан ҳамкорликда ўтказилаётган тадбирларда ижтимоий муҳофазага дахлдор ташкилотларнинг раҳбарлари билан бир қаторда маҳалла фаоллари, турли нодавлат ва жамоат ташкилотлари, маданий оқартув муассасалари, ҳуқуқ муҳофазаси маҳкамалари вакиллари, қалам аҳллари ҳам иштирок этишаяпти. Урганч шаҳридаги 11, 14 ва 15 маҳаллаларда ўтказилган жонли мунозараларда аҳоли хонадонларидаги маданий-маърифий тадбирларни ихчам, камчиқим ва мазмунли уюштириш чоралари, фуқаролар тинчлиги ва осойишталигини намунали йўлга қўйиш борасидаги ишлар, оналар ва болалар саломатлигини таъминлаш муаммолари хусусида батафсил сўз юритилди.

- Қай маҳаллага бормайлик ҳар куни тўй-тантаналарнинг устидан чиқамиз, - дейди ўз мулоҳазаларини баён этаркан Урганч шаҳри прокурорининг катта ёрдамчиси, адлия маслаҳатчиси Бахтиёр Жуманиёзов, - айрим даҳа ва кўчалар, хусусан, шаҳримизнинг 5 ва 19-маҳаллаларида ўтаётган тўй-томошаларни кўриб, кўзинг қувонади, баҳри-дилинг очилади. Ичимликларсиз, “қистир-қистир”ларсиз, қулоқни қоматга келтирувчи шовқинларсиз, раққосаларнинг хурмача қилиқларисиз ўтаётган оилавий тантаналарга айнан шу маҳаллаларда дуч келаяпмиз. Президентимизнинг тўйлар ва бошқа оилавий маросимларни намунали ўтказишга қарата 1998 йили қабул қилган Фармони талабларига ана шу маҳаллаларда изчил амал қилинаяпти. Мазкур Фармондан келиб чиқувчи вазифаларни бажаришга ўша кезлари ҳамма бел боғлаб киришган эди. Афсуслар бўлсинки, барча ҳам сўзида ва ишида собит турмади. Натижада кўпгина тўйларда ноғора тағин эскичасига чалина бошланди. Баъзи “санъаткор”ларнинг куракда турмас қилиқларидан, беҳуда исрофгарчиликлар ва дабдабабозликлардан одамлар ҳақли суратда норози бўлишаяпти.

Прокуратура ходими тўпланганларнинг дилидагини сўйлади. Нотиқлар шу аснода гиёҳвандлик, ўғрилик, талончилик, фирибгарлик сингари иллатлар ҳамда ёшлар ўртасида ишсизликнинг ортишига чек қўйиш каби долзарб муаммоларга ҳам мурожаат қилишди. Тиббий соғломлаштириш, айниқса, болалар ва оналар саломатлиги масалалари ҳақида гап кетганда, шифокорлар қадимий шарқ, шу жумладан, турк замини табобати анъаналари, шунингдек, замонавий тиб илми ютуқларига дадил суянишнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлашди. Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга қарата Президент Ислом Каримов раҳнамолигида яратилган миллий дастурнинг аҳамияти беқиёс эканлиги мамнуният билан тилга олинди.

Аҳоли билан қонун ва қонунчилигимиз муаммолари, турмуш маданияти масалаларига бағишланган юзма-юз мулоқотлар шаҳар маҳаллаларида ҳар ҳафта сайин ўтказиб борилаяпти. “Инсон ва қонун” ҳамда “Ҳаёт ва қонун” нашрларининг минтақавий мухбирлик пункти бу хайру савоб тадбирларнинг мунтазам қатнашчиси ва мунозараларнинг фаол иштирокчисига айлангани, ўртага ташлаган таклиф ва мулоҳазалари қизғин муҳокамага сабаб бўлаётгани албатта, эътиборга молик. Буни юзма-юз мулоқотлар ўтказилган маҳаллаларда газета ва журнал ўқувчилари сони бирданига ва сезиларли ортгани ҳам яққол тасдиқлаяпти.

**Илҳом МАТЁҚУБОВ,**
**Хоразм вилоят адлия бошқармаси масъул ходими**

*Адлия вазирлигида*

## ҚУТЛУҒ САНАГА БАҒИШЛАНДИ

***Мамлакатимиздаги турли идоралар, корхоналар, ташкилотлар ҳамда муассасаларда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг саккиз йиллиги муносабати билан тантанали йиғилишлар, анжуманлар ва бошқа тадбирлар ўтказилди.***





5 декабр куни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ҳам Конституциямиз қабул қилинганлигининг саккиз йиллигига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Адлия вазири Абдусамат Полвон-зода йиғилишни очар экан, йиғилганларни қутлуғ айём билан муборакбод этиб, Бош Қомусимизнинг аҳамияти хусусида атрофлича тўхталди. У Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ўзининг туб моҳияти, фалсафаси, илгари сурган ғоялари жиҳатидан тарихан мутлақо янги ҳужжат эканлигини, унинг асос-асосида инсон энг улуғ қадриятдир, деган ғоя мужассамлигини, бунинг тасдиғи олдин тасаввур этишимиз ҳам қийин бўлган тараққиёт йўлида, ислоҳотлар йўлида, янгиланиш йўлида эришилган ютуқларимизда, кундалик ҳаётимизда ўз аксини топаётганлигини таъкидлади.

Маълумки, мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ халқимиз маънавиятини шакллантирадиган, ўзлигини англатадиган миллий истиқлол мафкураси яратишга бел боғланди. Бу жараёнда миллий қадриятларимизнинг ажралмас қисми, таъбир жоиз бўлса, ўзаги бўлмиш диний қадриятларга, урф-одат ва анъаналаримизга эътибор кучайди. Бинобарин, Конституциямизда бошқа қатор ҳуқуқлар билан бирга виждон эркинлиги ҳақидаги қоидалар ҳам белгилаб берилган ва кафолатланган. Шунингдек, Конституциянинг 53-моддасида, жумладан, “Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат ...тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди”, деб таъкидланган. Мамлакатимизда бу борада кўплаб қонун ҳужжатлари қабул қилинди, айнан Адлия вазирлигига тадбиркорлик фаолиятини, тадбиркорлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида қўшимча ваколатлар берилди. А. Полвон-зода Асосий Қонунимизнинг бу жиҳатларига ҳамда Адлия органлари томонидан тадбиркорлик фаолиятининг ҳимоясига оид амалга оширилаётган ишлар хусусида батафсил тўхталди.

Бугун Конституциямиз шарофати сифатида ҳаётимизда эришилган энг катта ютуғимиз, янгиланишнинг энг ёрқин намунаси бу — жамиятимизнинг мафкурасида, кенг омма дунёқарашида, юртимизда яшаётган барча инсонларнинг онгу шуурида, ҳуқуқий онги ва тафаккурида содир бўлаётган ижобий силжишлар, ўзгаришлардир. Йиғилишда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раиси Убайдулла Мингбоев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист Ҳалима Муҳитдиновалар Конституциямизнинг ана шундай фазилатлари ҳақида гапирдилар.

Шундан сўнг Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг тўққиз йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ турли мукофотларга сазовор бўлган, республика Адлия тизимида меҳнат қилаётган ходимларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Қашқадарё вилоятининг судьяси Р. Вакилов, Сирдарё вилояти Адлия бошқармасининг бошлиғи Т. Дадабоев, Адлия вазирлиги Қонунчилик бошқармасининг бўлим бошлиғи М. Мирсамадовларга “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист” унвонининг гувоҳномаси ҳамда кўкрак нишони, Тошкент юридик коллежи директорининг ўринбосари Ҳ. Муҳитдиновага “Меҳнат шуҳрати”, Навоий вилояти Учқудуқ шаҳар судининг раиси С. Матчановага “Дўстлик” орденлари, Адлия вазирлиги Кадрлар бошқармасининг бошлиғи А. Ахмедов ва Тошкент шаҳар адвокатлар ҳайъати раёсати раисининг ўринбосари Г. Ишанхановаларга “Шуҳрат” медали топширилди. Мукофотланганлар ўзларининг камтарона меҳнатларини шундай юксак мукофотларга лойиқ кўрган Президентимиз ва ҳукуматимизга самимий миннатдорчиликларини изҳор этдилар.

**Рўзибой САИДОВ,**
**“Инсон ва қонун” мухбири**

***

Суратларда: йиғилишдан лавҳалар.

**Н.АЛМУРОДОВ** олган суратлар

*Хат босилмаса ҳам...*

## ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ ЧОРА КЎРДИ

**“Ҳаёт ва қонун” юридик журнали, “Инсон ва қонун” ҳуқуқий газетаси Бирлашган таҳририятига**

Наманган вилоят ҳокимлиги Сизга мурожаат қилган Наманган шаҳрилик Ортиқбой Акбаровнинг уй-жой масаласини кўриб чиқиб, қуйидагиларни маълум қилади:

Ортиқбой Акбаров Бозор кўчасидаги 3 хонали хонадонда турмуш ўртоғи билан истиқомат қилади. Ўғли Акбаров Одил эса 5 нафар оила аъзолари билан Дўстлик мавзесида 1 хонали хонадонда яшаб келиб, 1994 йилда хонадон олиш мақсадида “Яхши ният” ширкатига мурожаат қилган. Ширкатга аъзолик бадали 12000 (ўн икки минг) сўмни ташкил қилиб, бу маблағни унинг иш жойи — Наманган таксопарк корхонаси орқали ўтказиб берилган. “Яхши ният” ширкатига банк томонидан кейинчалик имтиёзли кредитлар берилмаганлиги сабабли хонадонлар қурилиши тўхтатилиб, ширкат аъзоларига бадаллари қайтариб берила бошлаган. Жумладан, Одил Акбаровга ҳам аъзолик бадали учун тўлаган маблағини Наманган таксопарк корхонасига қайтариб ўтказиб берилиши тушунтирилганда, у ушбу маблағни нақд пул ҳисобида ўзига берилишини сўраган. Бироқ тартибга кўра бу мумкин эмаслиги уқтирилганда Одил Акбаров Наманган шаҳар ҳокимлигидан якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаси ажратиб берилишини сўраган ва унга Наманган шаҳар аҳлига ажратилаётган “Самарқанд” жамоа хўжалигидан ер участкаси ажратиб бериш таклифи берилганда ҳам рад этган.

Ҳозирги кунда маҳаллий бюджет ҳисобидан уй-жой қуриш учун молиявий манбаалар тақчиллиги ва шаҳар ҳудудида давлат тасарруфида бўлган хонадонларнинг асосий қисми хусусийлаштирилиб, давлат тасарруфидан чиқарилганлиги, шунингдек, шаҳар бош режасига асосан уйлари бузилишга тушган фуқаролар учун хонадонлар ажратишда ҳам бир қатор муаммолар мавжудлигидан келиб чиқиб, фуқаро Одил Акбаровга навбатдан ташқари хонадон ажратиш имкони йўқлиги тушунтирилди.

Айни пайтда Одил Акбаровга уй қуриш учун қулай — “Ёшлик” мавзесидан ер участкаси ажратиб берилди. Наманган таксопаркидан ўтказилган 12000 (ўн икки минг) сўм маблағ ушбу ҳужжатларни расмийлаштиришга ўтказилиши тўғрисида унинг розилик хати олинди. Хат муаллифлари вилоят ҳокимлиги ҳамда бошқа алоқадор ташкилотларга ўз миннатдорчиликлари билдирилган хат топширдилар.

Тушунтириш ва миннатдорчилик хатларини илова қилаяпмиз.

**Тўлқин ЖАББОРОВ,**
**Наманган вилояти ҳокими**

## БОҒБОН БЎЛСАНГ, НИҲОЛИНГ АСРА!

*Вояга етмаган ўсмирни навниҳолга меңзайдилар. Унинг тарбиясига эътибор сусайса, келажаги изтироблар исканжасида қолади. Ёшларимизнинг бугунги ва эртанги ҳаёти учун биз катталар ҳамиша масъул бўлишимиз керак. Балоғат ёши остонасида айрим ёшларимизда қалтис қадам қўйишга мойиллик сезилади. Шундай пайтда ота-оналар, маҳалла-кўй, мактаб, кенг жамоатчилик бир лаҳза ҳам лоқайд бўлишга ҳаққи йўқ.*

2-бет



**«ИНСОН ВА ҚОНУН» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН**

*Газетада эълон қилингач...*

## РАИСЛАР ЗИММАСИГА ЮКЛАТИЛДИ

Муҳтарам муҳаррир!

“Инсон ва қонун” газетасининг 2000 йил 24 октябр сонида чоп этилган “Бозорларда нарх қочса, харидордан инсоф кетади” сарлавҳали мақола вилоятдаги шаҳар, туман “Бозор” очиқ турдаги акционерлик жамиятлари бошқарув раислари, бош ҳисобчилари ҳамда тайёрлов савдо корхоналари бошлиқлари иштирокида 2000 йил 2 октябрда ўтказилган йиғилишда атрофлича муҳокама қилинди.

Ҳақиқатдан ҳам Термиз шаҳридаги “Марказий бозор” очиқ турдаги акционерлик жамиятида ҳамда бозор тасарруфида фаолият кўрсатаётган тайёрлов савдо корхонасининг иш фаолиятида хато-камчиликлар борлиги уларни бошқа шаҳар ва туман бозорларида ҳам учраётганлиги тан олинди.

Термиз шаҳар “Марказий бозор” очиқ турдаги акционерлик жамияти бошқаруви раиси Х.Дадабоев ўз аризасига биноан бажариб турган лавозимидан бўшатилди.

Йиғилишда мақолада кўрсатилган хато-камчиликларни бартараф қилиш борасида кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ҳамда амалда бажариш барча шаҳар ва туман “Бозор”очиқ турдаги акционерлик жамиятлари бошқаруви раислари зиммасига юклатилди ва бу ишлар доимий назоратга олинди.

**С. Х. ЖУМАЕВ,**
**Сурхондарё вилояти “Бозор” очиқ турдаги АЖ фаолиятини мувофиқлаштириш бирлашмаси бошқаруви раиси**

*Қитиқ патга тегиб кетгани рост бўлсин*

## ТЎҒРИ ЁЗИБСИЗУ, АММО... КЕЧИРИМ СЎРАНГ!

Табиатни муҳофаза қилиш Қашқадарё вилоят қўмитаси “Инсон ва қонун” газетасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 47(199) сонидаги “Тадбиркорга тўғаноқ” мақоласидаги “табиатни муҳофаза қилиш Қашқадарё вилояти бўлимига 1999 йил 4-чорагида 69 та банкни текширишга рухсат берилган” деган қисми ўрганиб чиқилганда, баҳо нотўғри берилгани аниқланди. Қачонки мақола тайёрлаш давомида бу масала ўрганилмаган ва шошма-шошарлик билан чиқарилган.

Қўмитамиз текширишларни мувофиқлаштириш масалалари бўйича меъёрий ва йўриқнома ҳужжатлари ва ўзига юклатилган ваколатга биноан Қашқадарё вилоят ҳокими, Ўзбекситон Республикаси назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Қашқадарё вилоят Кенгаши раиси номига 1999 йил 20 сентябрдаги 43-сонли буюртмасига (?) вилоятдаги банк муассасалари Ўзбекистон Республикаси "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонун талабларига зид равишда қурилаётган, қайта қурилаётган, кенгайтирилаётган, техник жиҳозланаётган объектларни молиялаштиргани ва кредит маблағлари ажратилаётгани аниқланган. Ушбуга асосланиб, банк муассасаларида Ўзбекистон Республикасининг "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"-ги Қонунининг 4, 24, 25-моддалари бўйича режадан ташқари текширилиш (?) сўралган.

Кенгаш раиси бу буюртмани ўрганиб чиқиб, 1999 йил 10 октябрдаги келишувига мувофиқ текширишга рухсат этилган. Бу рухсатнома Ўзбекистон Республикасининг "Хўжалик субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"-ги Қонуннинг 12-моддасига асосланган деб ҳисоблаймиз.

Текширишларда ҳақиқатан ҳам банк муассасаларининг кўпчилигида юқорида қайд қилинган Қонун талаблари бузилаётгани аниқланди ва улар тартибга чақирилди.

Булардан кўриниб турибдики, газета мақолани шу қисмини тайёрлашда ўз вазифаларига совуққонлик билан қараган, натижада Табиатни муҳофаза қилиш вилоят қўмитаси ва кенгашни қонун билан ҳимояланадиган ваколати таҳқирланган ва маънавий зарар етказган.

Шунинг учун газета муҳарриридан Табиатни муҳофаза қилиш вилоят қўмитасидан ва кенгашдан газета орқали кечирим сўрашни сўраймиз.

**Темир ХИДИРОВ,**
**Қашқадарё вилояти Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси**

***ТАҲРИРИЯТДАН: Муҳтарам Темир Пўлатович! Эътиборингиз ва мақоламизга муносабат билдирганингиз учун миннатдормиз. Буни оддий тилда таъсирчанлик, “қитиқ патга тегиш” дейишади. Энг ёмони, матбуотда чоп этилган материалларга бефарқ бўлишдир. Сиз жиддий ёндашибсиз. Раҳмат. Аммо... таҳқирланганлик ва маънавий зарар кўриш, таҳририят Сиздан кечирим сўраши ҳақидаги талабингиз бизни ҳайратда қолдирди. Сиз юзаки текшириш, ўрганмаслик хусусида ёзибсиз. Ваҳоланки, биз тақдим этган мақола Адлия вазирлигининг 9 нафар ваколатли вакиллари томонидан фактларни жойида чуқур ўрганиш хулосаси асосида ёзилган. Унда сизга тегиб кетган сўзлар қандай бўлса шундай битилган, яъни “назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш ҳудудий комиссияси сабабларни ўрганмасдан Сизга 69 та банкда текширувга рухсат берган” дейилган. Ёки бирор жойда Сизни асоссиз, қонунсиз иш тутди, деган жойини топдингизми? Бекорга ўзингизни “жабрдийда” ҳисоблабсиз. Келинг, эҳтирос билан эмас, мулоҳаза билан иш тутайлик.***

Сурхондарё вилоят прокуратурасида

## САБОҚ БЎЛМОҒИ ЛОЗИМ

Қадимий Жайхун бўйи воҳасида кейинги пайтларда қишлоқ хўжалигининг баъзи асосий соҳалари "оқсаб" қолганлиги сир эмас. Серқуёш вилоятда ғаллачилик, пахтачилик тармоқлари режалари бажарилмасдан қолаётганлиги барчани ташвишга солаётганлиги ҳам бор гап. Воҳанинг бир пайтлари улкан "оқ олтин" хирмони яратишдек довруқларига дарз кетди. Хўш, нега шундай? Келинг, пахтачилик соҳасидаги айрим рақамларга эътибор берайлик. Рақамлар эса жуда ўжар бўлади...

21 октябр куни Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишни туғаллаш ва 2001 йил ҳосили агротехника тадбирларни ўз вақтида ўтказишга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлари тўғрисидаги 331-сонли қарори асосида прокуратура органлари ўтказган текшириш натижалари баъзи жиддий нуқсонларни очиб ташлади. Улардан бири...

Бу йил воҳада сув танқис бўлди. Аммо Амударёга бақамти жойлашган Жарқўрғон туманида сув камчил эди, десак ҳақиқатга бироз тўғри келмайди. Агар йўлингиз туман бўйлаб ўтса, йўл четидаги хўжаликларнинг экин майдонлари баҳорни эслатувчидек кўм-кўклигининг гувоҳи бўласиз. Туманда сув танқислиги эмас, балки раҳбарлар талабчанлиги сусайтирилган десак, холисона баҳо бўлади. Масалан, Раҳматулло Валиев бошчилик қилаётган "Эски Қўрғон" фермер хўжалигида етиштирилган ҳосилни йиғиштириб олишда сафарбар этилиши лозим бўлган кўрак териш ва чувиш агрегатларининг носозлиги ишнинг "белига тепди". Фермер хўжалигидаги Н.Шомуродов бошлиқ звено далаларидаги 4 гектар пахта майдони кузнинг ўрталари ҳосили тўла йиғиб олинмасдан "карчовка" қилиб юборилган.

Бу ерда ширкат хўжалиги бошқарув раиси Б.Бекниёзов ўз мансабини суиистеъмол қилиб, берилган ваколатларни четлаб ўтиб, жамоа хўжалигига қарашли "Қўштепа" участкасидан пахта экиладиган далаларни 17 нафар фуқарога 10 сотихдан жами 1,90 гектар ер майдонини ўзбошимчалик билан бўлиб бериб, давлат ва жамоа манфаатларига кўп миқдорда моддий зарар етказган. Раисга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 205-моддаси 1-қисми ҳамда 206-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов якунига кўра жиноят иши айблов хулосаси билан туман судига юборилди.

Жорий йилда туманда 400 гектар майдонга ерёнғоқ экиш режалаштирилган бўлса-да, бундай "сердаромад" соҳани ривожлантириш бир неча бор ортиғи билан бажарилган. Хўш, туманда ҳоким борми? Бор. Аммо талабчанлик йўқ. Вилоят прокурори 2000 йилда пахта ҳосилини ўз вақтида тўлиқ йиғиштириб олишни таъминламагани ва юқоридаги таъкидланган қарор талабларининг бажарилмаганлиги учун Жарқўрғон туман ҳокими вазифасини вақтинча бажарувчи Норбой Шомуродовга нисбатан интизомий ҳуқуқбузарликка оид иш қўзғатишга қарор қилди.

Ангор туманида ўтказилган текширувда жорий йилдаги пахта ҳосилини неснобуд қилмасдан йиғиштириб олишда масъул раҳбарларнинг сусткашлиги ўзига ишониб топширилган ваколатлардан тўғри фойдаланмаслик иллатлари аниқланди. Хўжаликларда баҳорги чигит экиш мавсуми сабабсиз июн ойига қадар чўзилиб кетган. 25 сентябргача дефоляция қилиниши лозим бўлган 1100 гектар майдоннинг атиги 610 гектаридаги ғўза барглари кимёвий усулда тўктирилган, холос. Ўз вақтида техник воситалар мавсумга шай этиб қўйилмаган. Мавжуд 9 та кўрак териш агрегатининг 4 таси, 10 та курак чувиш машиналарининг 5 таси носоз бўлиб, 2000 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишда салбий оқибатларни келтириб чиқарган. Бу ишларни ўз вақтида бажарилишини таъминламаганлиги ва назоратсизлиги учун туман ҳокими Шоди Беккелдиевга нисбатан интизомий ҳуқуқбузарликка оид иш қўзғатилди ва Сурхондарё вилоят ҳокимлигига ҳавола этилди.

Шўрчи тумани ҳам пахтачиликда воҳада салмоқли ўринни эгаллайди. Аммо прокуратуранинг текширувида бу туманда ҳам пахта ҳосилини йиғиштириб олишда ўзибўларчилик кайфиятлари мавжудлиги аниқланган. Туманда мавжуд 11 та курак териш агрегатларининг 2 таси, 18 та курак чувиш машиналарнинг 4 таси носоз аҳволда сақланаётганлиги аён бўлган. 7 та курак териш ва 11 та курак чувиш агрегатлари мавсумнинг энг қизғин палласида носоз ҳолда "қантариб" қўйилган. Прокуратура бу агрегатларнинг ўз вақтида таъмирланишига эътиборсизлиги учун туман ҳокими Жовли Холмуродовга нисбатан интизомий ҳуқуқбузарликка оид иш қўзғатиб, вилоят ҳокими эътиборига юборди.

Шеробод туманида пахтачилик, ғаллачиликдаги белгиланган режалар бажарилмай келаётган эди. Тумандаги мавжуд 19 та курак териш агрегатларининг 9 таси, 23 та курак чувиш машиналарнинг 18 таси 1 октябрга қадар носоз бўлган. Туман ҳокими А.Лапасов талабчанликни бўшаштирган ва ўз хизмат бурчига лоқайдлик билан ёндашганлиги аниқланди. Вилоят прокуратураси бу ҳокимга нисбатан ҳам интизомий ҳуқуқбузарликка оид иш қўзғатди.

Музробот туманида ҳам пахтачилик йил сайин оқсаб бораётганлиги қайд этилган сабаблардан бири ҳокимликдаги талабчанлик сусайтириб юборилганлиги экан. Ҳатто ҳукумат қарори эълон қилингандан сўнг ҳам бу ерда 10 та курак териш агрегатларининг 9 таси, 26 та курак чувиш машинасининг 10 таси носозлигича қолаверган. Мавжуд 18 та курак чувиш агрегатларининг биронтаси ҳам ишга шай этиб қўйилмаган. Прокуратура туман ҳокими Рамазон Худойбердиевдан ҳам интизомий жавобгарликка тортилиши масаласини кундаланг қўйишга мажбур бўлди.

Хуллас, ҳосилнинг чўғи кузда билинди. Бу йилги йўл қўйилган жиддий камчиликлар барчага сабоқ бўлмоғи лозим. Йил давомидаги меҳнатлар самарасини сарҳисоб қилиб, йўл қўйилган нуқсонларни атрофлича ўрганиб чиқишга фурсат бор, зеро, келгусида улар такрорланмаса деймиз.

**Шуҳрат САОДАТОВ,**
**Сурхондарё вилоят прокуратураси умумий назорат бўлими бошлиғи, адлия маслаҳатчиси,**
**Собир ЁДИКОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

*Талаба минбари*

## УЮШГАН ГУРУҲ ЖИНОЯТИ ВА ЖАВОБГАРЛИК

Бир гуруҳ шахслар томонидан содир қилинган жиноят бир киши томонидан содир қилинган жиноятга нисбатан хавфли бўлади. Чунки гуруҳда жиноятларнинг кучи ва имкониятлари бирлашади. Жиноят кодексининг 65 та моддасида гуруҳ бўлиб жиноят содир қилганлик учун жавобгарлик кўзда тутилган.

Маълумки, гуруҳ бўлиб содир қилинадиган жиноятларнинг, уюшганлик даражасига қараб, ижтимоий хавфлилиги ҳам ҳар хил бўлади. Бундай жиноятнинг нисбатан камроқ хавфли шакли иштирокчиликнинг олдиндан тил бириктирмасдан содир қилинадиган жиноят бўлиб, бунда тил бириктириш жиноий фаолиятни амалга ошириш жараёнида юз беради. Аммо айрим ҳолларда содир қилинадиган жиноятнинг ўзига хос хусусиятларига кўра, махсус қисм моддаларида олдиндан тил бириктиришнинг бор-йўқлигидан қатъий назар, гуруҳ бўлиб жиноят содир қилиш оғирлаштирувчи ҳолат сифатида кўрсатилган. Бунга қасддан одам ўлдириш (97-модда 2-қисмининг "п" банди), қасддан баданга оғир шикаст етказиш (104-модда 2-қисмининг "к" банди), номусга тегиш (118-модда 1-қисмининг "в" банди), безорилик (277-модда 2-қисмининг "б" банди), бошлиқ буйруғини бажармаслик ёки бажаришдан бош тортиш (279-модда 2-қисми "а" банди), бошлиққа қаршилик кўрсатиш ёки уни хизмат вазифасини бузишга мажбур қилиш (281-модда 2-қисмининг "а" банди ва ҳоказолар)ни мисол қилиб келтириш мумкин.

Жиноий гуруҳнинг юқори даражадаги ижтимоий хавфлилиги унинг ташкилотчиси ёки раҳбарининг жиноятда иштирок этувчи шахслар иродасини бирлаштиришида кўринади. Гуруҳ таркибида бўлган шахс (шу жумладан, жиноий гуруҳда) ўз эрки-иродасигагина эмас, балки гуруҳдаги бошқа аъзолари иродасига бўйсунади, уюшманинг муайян даражада барқарорлигига, гуруҳ аъзоларининг бир мақсад йўлида ҳаракат қилишаётганига қараб андоза олади. Оқибатда уюшган гуруҳнинг имкониятлари кенгаяди, анча мураккаб ва оғир жиноятларни содир қилишга, жиноят изларини яшириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятига қарши ҳаракатлар қилишга мойил бўлади.

Олдиндан тил бириктириб ёки уюшган гуруҳ томонидан амалга оширилган жиноятларда қуйидаги муаммо юзага келади. Агар жиноий жавобгарликка тортиладиган шахс билан бирга жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин бўлмаган шахслар жиноят содир қилишда биргаликда қатнашишса, буни гуруҳ томонидан содир қилинган жиноят, деб ҳисоблаш мумкинми? Агар шахс жиноятнинг субъекти белгиларига эга бўлмаса ва қилмиши учун жиноий жавобгар ҳисобланмаса, у билан биргаликда жиноят содир қилинган жиноятни гуруҳ деб ҳисоблаш мумкин эмас. Буни Тошкент вилоят судида кўрилган 1959 йили Кодекснинг 119-моддаси билан ҳукм қилинган А.Н.Зотовнинг иши мисолида кўриш мумкин. Суд ҳукмига кўра, А.Зотов 14 ёшга тўлмаган И.С.Оглобин ва З.Т.Раҳматуллаев билан тил бириктириб, дўкон ойнасини синдириб, товарларни ўғирлайдилар. Ҳимоячининг кассация тариқасида берилган шикояти билан бу иш ўша пайтда Олий Суднинг жиноят ишлари судлов ҳайъатида кўрилиб, талон-тарож қилинган мулкнинг миқдори ҳам эътиборга олиниб, Зотовнинг иши 114-модданинг 3-қисми билан қайта квалификация қилинган ва унга нисбатан тайинланган жазо енгиллаштирилган. Бу ўринда шу нарса аниқки, Оглобин ва Раҳматуллаевлар 14 ёшга тўлмаганликлари туфайли улар тил бириктиришнинг иштирокчилари бўла олмайдилар.

Гуруҳнинг уюшганлик даражаси, барқарорлиги унинг ижтимоий хавфлилик хусусияти ва даражасига таъсир қилади. Шу боис, Жиноят Кодекси 56-моддаси "м" банди билан жиноят содир этган гуруҳлар қуйидаги поғоналарга бўлиб кўрсатилган: а) олдиндан тил бириктирган шахслар гуруҳи; б) уюшган гуруҳ; в) жиноий уюшмалардан иборат гуруҳ. Жиноят содир қилган гуруҳнинг ана шулардан бирига киритилиши, жиноят қандай шароитда қилинганидан қатъий назар, жазонинг кучайтирилган даражаси ҳар хил бўлади. Шунга кўра, суд гуруҳларнинг қайси поғонага мансублигини ҳукмда аниқ кўрсатмоғи керак. Шунингдек, суд жазо тайинлашда, албатта, ҳукмда гуруҳ бўлиб жиноят содир этишнинг қайси шаклда амалга оширилгани ва жиноятни содир қилишда гуруҳ аъзосининг қай даражада иштирок этганини кўрсатиши керак.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Олий Суди пленумининг 1996 йил 16 июлдаги "Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида"ги 16-сонли қарорида кўрсатилганидек, судлар жазо тайинлашда ЖКнинг 56-моддасида кўрсатилган ва доираси тугал бўлган жазони оғирлаштирувчи ҳолатларни эътибордан четда қолдиришга ҳақли эмас. Суд бундай ҳолатлардан жиноий ҳаракатларни жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб топмаган тақдирда, ҳукмда бунга батафсил асослар келтириши лозим. Жиноятни квалификация қилиш учун асос бўладиган белгилар жазони оғирлаштирадиган ҳолат, деб топилиши мумкин эмас.

**Аброр ҚОДИРОВ,**
**Тошкент Давлат юридик институти магистратура талабаси**

***Ўзбекистон Республикасининг "Нодавлат, нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинганига бир ярим йил бўлди. Самарқанд вилоятида ушбу қонун асосида фаолият кўрсатаётган ўзини-ўзи бошқариш ташкилотларининг ютуқ ва нуқсонлари хусусида вилоят адлия бошқармаси бош маслаҳатчиси Баҳодир ХЎЖАНИЁЗОВ бизга қуйидагиларни гапириб берди.***

- Ҳозирда бошқармамизда давлат рўйхатидан ўтказилган жамоат бирлашмалари — нодавлат, нотижорат ташкилотлар сони 168 тани ташкил этади. Бундан ташқари, халқаро, республика миқёсида фаолият кўрсатаётган жамоат бирлашмаларининг вилоятдаги бўлимлари 234 та.

*Қонун ва ижро*

## МАЖБУРИЯТГА АМАЛ ҚИЛАЙЛИК



Мамлакатимизда ўзини ўзи бошқариш ташкилотларига эътибор кучаймоқда. Негаки улар жамиятимизнинг барча соҳаларида фаол қатнашиб, ижтимоий ҳаётда эришилаётган муваффақиятларга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Вилоятимизда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти вакиллари ҳамкорлигида нодавлат ташкилотлар билан учрашувлари ташкил этилди. Бошқармамиз нодавлат, жамоат бирлашмаларининг вакиллари билан семинар машғулотлар ўтказиб турибди.

Нодавлат, жамоат ташкилотлари фаолиятида айрим нуқсонлар ҳам кўзга ташланади. Баъзи бир бундай ташкилотлар халқаро ташкилотлардан грантлар олишнинг пайида бўлишади. Тўғри, халқаро фондлар томонидан ўтказилаётган танловларда қатнашиш ва ғолиб бўлиш осон эмас. Аммо шундай ҳолатлар учрамоқдаки, нодавлат, жамоат ташкилоти адлия органларидан тегишли тартибда давлат рўйхатидан ўтгач, гранд олиш учун талабнома ёзади. Ўзларининг Низомида кўрсатилган мақсадларни гранд олгандан кейингина бажарамиз, деган хаёлга боришади. Айримлари эса ўз мажбуриятларини вақтида бажаришмайди. Ваҳоланки, Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 12 мартда қабул қилинган 132-сонли қарорида "Белгиланган тартибда адлия органларида рўйхатдан ўтган жамоат бирлашмаларининг раҳбар органлари йилнинг ҳар чорагида қабул қилинган қарорлар (нусхаларини) ва режалаштирилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги маълумотларни рўйхатдан ўтказган органга тақдим этиб туришга мажбурдирлар. Кўрсатилган маълумотлар тақдим этилмаган ҳолларда рўйхатга олувчи орган ёзма огоҳлантириш хати берилгандан сўнг тегишли жамоат бирлашмасини тугатиш тўғрисида тақдимнома киритиш ҳуқуқига эгадир", дейилган. Ана шу мажбуриятга қатъий амал қилишни унутмаслик лозим.

**ҲАМИД ЭГАМ**
**ёзиб олди**

## БОҒБОН БЎЛСАНГ, НИҲОЛИНГ АСРА!

(Боши 1-бетда)

**- Яқинда бир жиноят ишини кўриб чиқдик, - дейди биз билан суҳбатда Шаҳрисабз туман судининг судьяси Турдимурод Умрзоқов, - вояга етмаган Қаюм Болтаев шу йил тўққизинчи синфни битирган. Ҳозир ҳеч қаерда ўқимайди ва ишламайди. У ўзини эрта "пишган" чоғлаб 1986 йил 21 март куни туғилган Хуррамова Зарина билан танишиб, "Сенга уйланаман" деб унинг розилиги билан вояга етмаганини билса-да, Шаҳрисабз шаҳар Бобоариқ кўчаси 8-уйда яшовчи акаси Болтаев Машкулнинг уйида ноқонуний биргаликда яшаб келади. Қаранги, ҳали оила қуришга тайёр бўлмаган, бирор касб-корнинг этагидан тутмаган икки ёш ўзларича қовушиб, "асал ой"ларини бошлаб юборишгану уларнинг бўлғуси ҳаётлари учун масъул катталар гўё ҳеч нарсани сезмабди. Энг қизиғи, бундай турмушга икки ёш ҳам, уларнинг ота-оналари ҳам рози. Сабаби битта: ёш уйланиш ва ёш эрга тегиш лўлиларнинг ота-боболаридан қолган одат эмиш.**

**Яна бир мисол: Даврон Каримов ва Фурқат Ибрагимов Шаҳрисабз туманидаги У.Ибрагимов номли жамоа хўжалигининг Қутчи қишлоғида яшайди. Шу қишлоқдаги У.Тошаров номли ўрта мактабнинг 8-синфида ўқишади. Улар иккаласи бир куни кўчада турган "Тико" машинасининг ичида ёш бола ўтирганини кўриб машинага минишади ва бири болани гапга солиб туради. Иккинчиси эса қимматбаҳо "Пилипис" маркали уяли телефон аппаратини ўғирлайди. Кейин Шаҳрисабз шаҳрига келиб, бир дўконда телефон аппаратини нотаниш кишига 2000 сўмга сотиб, пулига сомса олиб ейишади, спортлотто ўйнашади. Улар қайтиб келаётганларида ички ишлар ходимлари томонидан қўлга олинади.**

*Ўсмир ва қонун*

**Суд судланувчилар Даврон Каримов ва Фурқат Ибрагимовларни вояга етмаганлигини, айбига иқрор ва пушаймонлиги, келтирилган зарарни тўлиқ тўлаганлигини эътиборга олиб, ЎзРЖКнинг 72-моддасига мувофиқ жазо тайинлашни лозим топди.**

**Шу ерда бир савол туғилади. Бу ёшлар нега жиноятга қўл урди? Биринчи жиноятда эндигина 14 ёшдан ошган қизалоқнинг яна бир вояга етмаган йигит билан бирга яшаши мутлақо бизнинг қонунларимизга зид ҳол. Улар ўз қилмишларини лўлилар эрта турмуш қуришади, деб хаспўшладилар. Бизнинг мамлакатимизда қонунларга барча халқ, миллат ва элатлар бўйсуниши шарт. Ҳеч бир элнинг урф-одати ёки миллий хусусияти қонундан устун қўйилмайди.**

**Энг ачинарлиси, бу жиноятни ота-оналар томошабин бўлиб кузатишлари. Ҳали ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотмаган икки ёшни эртага ким боқади? Уларнинг на касб-кори, на бирор ҳунари бор. Тирикчилик деб эртага бирор жиноят қилмаслигига ким кафолат беради?**

**Иккинчи жиноят ҳам тасодиф эмас. Бола ўз-ўзидан ўғри бўлмайди. Қаердаки бола бўш қолса, ота-она назоратидан узоқлашса, ўша ерда жиноят содир бўлади. Демак, бу жиноят илдизларини оилавий муҳитдан, мактабдан қидириш лозим.**

**Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, бола бир ниҳол, уни қаёққа эгсак ўша ёққа қараб ўсаверади. Бизнинг вазифамиз ўша ниҳолни пок, ҳалол, тўғри ўсишини таъминлашдир.**

**Ғози РАҲМОН,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**



## ҚАРОР ИЖРОСИ ДОИМИЙ НАЗОРАТДА

Маълумки, пайҳон туфайли мамлакатимиз далаларида ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилининг бир қисми нобуд бўлмоқда. Бу салбий ҳолатнинг олдини олиш мақсадида шу йилнинг 12 январ куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Экинларни пайҳон қилишга қарши кураш самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорнинг бажарилиши юзасидан туманимиз ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан қатор ишлар амалга оширилмоқда. Пайҳон туфайли экинларнинг нобуд бўлишига йўл қўйган раҳбарлар ва фуқаролар тегишли қонунларга асосан жавобгарликка тортилмоқда. Келинг, гапимиз қуруқ бўлмаслиги учун мисолларга мурожаат қилайлик.

2000 йилни 2 январ куни туманнинг Наврўз ширкатлар уюшмасида жойлашган "Саломатлик" фермер хўжалигининг 4 гектарлик дон экилган майдонига фуқаро Раҳмат Алламуродов 200 бош қўйини боқиб, ўсиб турган буғдой экинларини нобуд қилган. У бу ҳаракати билан фермер хўжалигига 97800 сўмлик моддий зарар етказилганлиги аниқланиб, ҳолат юзасидан фуқаро Р.Алламуротовга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 173-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилди. Кейин тергов ҳаракатлари ўтказилиб, жиноят иши мазмунан кўриб чиқишлик учун судга юборилди. Туман судининг 2000 йил 20 апрел кунги ҳукмига асосан Р.Алламуротов ЖКнинг 173-моддаси 1-қисми билан айбдор деб топилиб, бир йил давомида ойлик иш ҳақидан давлат фойдасига 20 фоиздан ундириш жазоси белгиланди.

Шунингдек, 2000 йил 23 октябр куни туманнинг Наврўз ширкатлар уюшмасида умумий назорат тартибида ўтказилган текширишда хўжаликнинг 19 гектар пахта майдонини аҳолининг қора моллари пайҳон қилганлиги аниқланди. Фуқаролар Шоимқулов Ҳакимбекнинг 3 бош, Маҳкамов Фарухнинг 4 бош қорамоллари хўжаликка жами бўлиб, 98 минг сўмлик зарар келтирган. Ушбу ҳолат бўйича ҳам фуқаролар Х.Шоимқулов ва Ф.Маҳкамовга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 104-моддаси билан маъмурий ҳуқуқбузарлик иши қўзғатилиб, келтирилган зарарни ундириш борасида туман судига даъво аризалари киритилди. Уларга тегишли 2 та қорамоллар фуқаролар йиғини орқали сўйдирилиб, мол гўштлари тумандаги болалар интернатига тарқатилди.

Худди шундай ҳуқуқбузарликлар туманнинг Н.Маҳмудов ширкатлар уюшмаси ва Ғаллакор қишлоқ хўжалик кооперативида ҳам аниқланиб, айбдор шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 104-моддаси 1-қисми билан маъмурий жавобгарликка тортилдилар. Улардан келтирилган зарар ундириб олинди.

Хуллас, мазкур қарор ижросини таъминлаш юзасидан туманда мунтазам прокурорлик назорати ўрнатилган.

**Зокир ЭРМОНҚУЛОВ,**
**Боёвут тумани прокурори ёрдамчиси**

## МУТАСАДДИЛАРГА МАСЪУЛЛИК ЗАРУР

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Вояга етмаганлар ишлари комиссиялари фаолиятини такомиллаштириш ҳақида" 2000 йил 21 сентябрда қабул қилган қарори истиқболимиз эгалари — баркамол авлод тарбиясини йўлга қўйишда муҳим ҳуқуқий пойдевор ҳисобланади. Ҳозир мазкур қарор талабларини бажо келтириш бўйича маҳаллий ҳокимият идоралари, ҳуқуқ тартиботи, таълим ва тиббиёт муассасаларида жиддий ва кўламдор тадбирлар амалга оширилаяпти.

Вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи Хоразм вилоят комиссиясининг ана шу қарор асосидаги фаолияти вазиятни ўрганиш, баҳолаш ва галдаги ишлар, режаларни белгилаб олишдан бошланди. Комиссиянинг янги таркибдаги илк мажлиси айнан шу масалага бағишлангани бежиз эмас. Вилоят ҳокимлиги ижтимоий масалалар мажмуининг ташаббусига биноан ўтказилган ушбу мажлиснинг эътиборли жиҳати шуки, унда комиссия аъзоларидан ташқари вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари, ҳуқуқ тартиботи идоралари, таълим-тарбия ва соғлиқни сақлаш тизими раҳбарлари, масъул ходимлари, фуқаролар йиғинлари мутасаддилари ҳам иштирок этдилар.

Вилоят прокурори, адлия катта маслаҳатчиси Д.Исроилов комиссия фаолиятини амалдаги қонунлар ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар талабларига монанд уюштириш масалалари юзасидан маъруза қилди. Асосий эътибор комиссиянинг 2001 йилги режалари ва вазифаларига қаратилди. Маърузачи, шунингдек, йиғинни бошқарган мазкур комиссия раиси, вилоят ҳокимининг ўринбосари Б.Исмоилов ҳамда бошқа нотиқлар ёшлар тарбияси, маънавий ва жисмоний бардамлиги масаласи мамлакатимиз йўлбошчиси, ҳукуматнинг диққат марказига олинаётганидан мамнуният изҳор қилдилар. Бундайэътибор ва ғамхўрлик жойларда фаолият кўрсатаётган комиссиялар, уларнинг аъзолари, маҳаллий бошқарув ва ҳуқуқ муҳофазаси мутасаддилари, устоз-мураббийлар ва тиббиёт ходимларини ҳамиша огоҳликка, масъулликка ва масъулиятли ишларга чорлаб турмоғи зарурлигини таъкидладилар.

Вояга етмаганлар ишлари комиссиялари муқаддам бўлганидек расмиятчилик учун ёки номига ишламаслиги керак. Ғамхўрлик миқёсларини шундан ҳам билиш мумкинки, комиссияни энди маош олиб ишлайдиган масъул ходимлар ҳаракатга солади. Топширилган вазифа ва маош эса жиддий масъулиятни, интилиш ва изланишни талаб этади.

- Ўтган йилларда ёшлар тарбияси, уларнинг ахлоқи-одоби, маънавий қиёфаси, ҳатто жисмоний бардамлигига аксарият мутасаддилар иккинчи даражали иш сифатида қарадилар, - деди маърузачи Д.Исроилов, - оқибатда кўпгина таълим ва тиббиёт муассасаларида ёшлар камолига дахлдор ишлар дарз кетди, моддий таъминот меъёри бузилди, бунинг натижасида айрим ўсмирлар ҳатто жиноий кўчаларга кириб кетишди. Улар орасида гиёҳвандлар, ўғрилар, фирибгарлар ҳам учраётгани айниқса, ташвишлидир. Айрим тарбия ва тиббиёт муассасаларида устозлар томонидан ёшлар ҳақига хиёнат қилинаётгани эса бундан ҳам хунук ҳолдир.

Вилоят прокурори сўзининг тасдиғи учун кўпдан-кўп мисолларга мурожаат қилиб, мавжуд хато ва камчиликлар, қусурлар, қонунбузарликларга чек қўйиш лозимлигини айтди.

Мажлисда ёшлар ўртасидаги бекорчилик, ишсизлик ҳоллари ҳам муайян номаъқулчиликларга олиб келаётгани баён этилди. Оналар ва болалар саломатлиги жиддий ғамхўрлик ва мадад тадбирларини кутаётганлигига алоҳида эътибор қаратилди. Шундай бир вазиятда Урганч темир йўл шифохонаси қошидаги собиқ поликлиника биносида қисиниб-қимтиниб фаолият кўрсатган аёллар маслаҳатхонаси маҳаллий транспорт милицияси ишхонасига айлантирилгани, оналар сиҳатгоҳини ниҳоятда ноқулай ва бешароит маконга кўчирганлари кишини, айниқса, кўп ташвишга солади.

Хуллас, йиғинда тўпланиб қолган ишлар, режалар, муаммолар, камчилик ва нуқсонлар, хато ва қусурлар ечими учун бел боғлаб ишга киришиш юзасидан аниқ-равшан тўхтамга келинди. Ёшлар камоли барчанинг жонажон ишига айланиши зарурлиги қабул қилинган қарорда ўз аксини топди.

**А.СОБИРОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

